

## Сийрат дарслари (75-дарс). Суббухун - Аллоҳ таолонинг исмларидан



13:40 / 06.03.2020 6353

336. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам етти аъзо билан сажда қилишга амр қилиндилар – кийим ва сочни йиғиштирмасдан – **«пешона, икки қўл, икки тизза ва икки оёқнинг учлари билан».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

Бошқа ривоятда шундай келган: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Қуйидагилар билан сажда қилишга буюрилдик.....»**

Бухорий ривоят қилган.

Ва бошқасида шундай дейилган: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Етти аъзо билан сажда қилишга буюрилдим; «Пешона билан, – деб қўллари билан бурунларига ишора қилдилар, – икки қўл, икки тизза ва икки оёқнинг учлари билан, кийим ва сочни йиғиштирмаслигимга», дедилар».**

*Бухорий ривоят қилган.*

337. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждаларида: **«Суббуҳун, Қуддусун Роббул малаикати вар-Рух»,** дер эдилар».

*Муслим ривоят қилган.*

**Суббуҳун – Аллоҳ таолонинг исмларидан бўлиб, «нуқсонлардан пок» маъносини билдиради.**

**Қуддус исми эса, «покланган» маъносини билдиради.**

**Ар-Рухдан мурод, Жаброил алайҳиссаломдир.**

338. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждаларида: **«Субҳанакаллоҳумма Роббинаа ва биҳамдика. Аллоҳуммағфирлий»,** дер эдилар». Қуръонни таъвил қилардилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**